2020 ЙИЛ 25 МАРТ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 43 [14.094]

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2020 йил 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.**

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан қатор қонун ҳужжатлари муҳокама этилди.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқди.

Қонунда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик, шунингдек, уларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари ва интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида Давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланишининг реал хавфини келтириб чиқарган бўлса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашни назарда тутувчи норма билан тўлдирилмоқда.

Жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари 30 суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ўталиши таъминланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида жамоат жойларида ниқобсиз юриш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик ҳамда Давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Сўнгра Сенат аъзолари "Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилди.

Ушбу Қонун билан "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга ва Жиноят-процессуал кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Миллий гвардияга қуйидаги ваколатларни юклаш назарда тутилмоқда: тезкор-қидирув тадбирларининг қуйидагилардан иборат янги турларини жорий этиш, тезкор-қидирув ишлари рўйхатини ва бундай ишларни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳужжатлари билан юритиш тартибини белгилаш, тезкор-қидирув фаолияти соҳасида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек, чет эл давлатларининг ваколатли органлари ва турдош халқаро ташкилотлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирларда иштироки масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Тезкор-қидирув тадбирларининг янги турлари жорий этилмоқда:

– техник воситаларни (компьютерларни ва алоқа қурилмаларини) текшириш;

– телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлар, узатиладиган хабарлар ва маълумотларни назорат қилиш;

– абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасида боғланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш махсус ваколатли давлат органига юкланади.

Прокурорнинг розилиги билан адвокатнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлари, узатиладиган хабарлари ва маълумотлари назорат қилинади.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларининг процессуал тартиби Жиноят-процессуал кодексда очиб берилмоқда.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқди.

Қонун ижтимоий ҳаётда ва халқаро майдонда ўзбек тилининг нуфузини оширишга, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъаналар ва қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Қонун билан 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Шундан кейин Сенат аъзолари "III ва IV даражали "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги ҳамда "Соғлом авлод учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, жисмонан соғлом ҳамда баркамол авлодни шакллантиришдаги алоҳида хизматлари учун фуқароларни мукофотлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонунларда "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш ҳамда Ҳазорасп тумани чегарасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа тумани ташкил этилиши ушбу туманнинг маъмурий маркази сифатида Питнак шаҳрини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисда 7 та масала кўриб чиқилди, шу жумладан, 5 та қонун маъқулланди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамиятда ҳуқуқий тартиботни ва барқарорликни таъминлаш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шуниг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Ахборот хизмати**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Электр энергиясидан қарздор истеъмолчилар карантин сабабли тармоқдан узилмайди. Шунингдек, электр энергияси учун тўлов тизимлари ва банкларнинг мобиль иловалари орқали уйидан чиқмасдан туриб тўловларни амалга ошириш мумкин.**

**• Шу йилнинг 24 июлда бошланиши керак бўлган Токио олимпиадаси ташкилотчилари коронавирус пандемияси туфайли турнирни бир йилга кечиктириш таклифи билан чиққан. Халқаро олимпия қўмитаси томонидан бу таклиф қўллаб-қувватланган.**

**• Қоғоз пулларнинг вирус ташувчилик хусусияти айни кунларда кўпчилик билиши лозим бўлган маълумот саналади. Марказий банк матбуот хизмати қоғоз пуллар вирус ташувчи вазифасини бажарувчи бўлиши мумкинлигини огоҳлантиради.**

**• Наманган вилояти Сирдарё сув ҳавзасида балиқларнинг ўлати кузатилган. Мутахассислар томонидан балиқлар нимадан касаллангани ва ўлганини аниқлаш бошланди.**

**• Ўзбекистонда барча умумий овқатланиш корхоналари фаолияти вақтинча тўхтатилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Жанубий Кореядан ташқари, Тайвань, Сингапур, Ҳонгконг ва Хитой ҳам пандемияга қарши самарали кураша олмоқда. Улар коронавирус устидан тўла ғалаба қозонишга яқин турган давлатлар ҳисобланади. Коронавирус пандемияси тарқалиши ҳам, унга қарши самарали кураш ҳам илк марта Осиё давлатларида кузатилди. Аммо бу курашда осиёликларнинг ғалабаси 2002-2003 йилларда тарқалган SARS пневмониясидан орттирилган тажрибага асосланади. Негаки, улар вирусга қарши самарали курашдан сўнг, шу турдаги таҳдидлардан муносиб ҳимояланиш учун соғлиқни сақлаш миллий тизимини қайта ташкил этишга қатъий қарор қилганди. Бир неча кунлар фарқи билан Тайвань, Ҳонгконг ва Сингапур коронавирусга қарши кураш йўлида уч турдаги чорани қўллади, улардан айримлари айни вақтда Ўзбекистонда ҳам татбиқ этилмоқда.**

**• Саудия Арабистони подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд шу ҳафтадан шаҳарлар аҳолисининг ҳаракатланишига тақиқлов киритилиши ҳақидаги фармонни қабул қилди. Комендантлик соати коронавирус тарқалиши олдини олиш мақсадида кечки соат 19.00 дан эрталабки соат 6.00 гача 21 кун давомида амал қилади. Аввалроқ коронавирус эпидемияси сабабли мамлакатдаги барча масжидларда жамоат намозларини адо этиш тақиқланганди. Охирги кунларда подшоҳликда коронавирусга чалинганлар сони кескин кўпайиб кетди. Айни вақтда мамлакатда касалликка чалинганлар сони 511 нафарни ташкил қилмоқда.**

**• Британиялик шифокорлар коронавирусга чалинишнинг яна бир аломати ҳақида маълум қилишди. Ҳид сезгисининг бирдан йўқолиши янги турдаги коронавирусдан зарарланишнинг яна бир аломати бўлиши мумкин. Шифокорларнинг фикрича, ушбу аломат касалликнинг бошқа белгилари кузатилмаганда пайдо бўлиши мумкин, яъни бундай беморлар Covid-19'нинг яширин ташувчиси бўлиши эҳтимол юқори. Экспертларнинг тан олишича, ҳид билиш қобилиятининг йўқолиши ҳар қандай коронавирус инфекциясида ёки фанга маълум бўлган 200дан ортиқ бошқа инфекцияларда ҳам кузатилади. Бироқ, коронавирус пандемиясининг авж олганлиги шаротида COVID-19 аломатлари йўқ бўлган инсонларда бу омилни ҳам ҳисобга олиш муҳимлиги, ҳид билиш қобилиятини йўқотган инсонларга эса 7 кунга карантинда қолиш тавсия қилинмоқда.**

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишда коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.***

## НАРХ-НАВО ОШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Шунингдек, Президентимиз жорий йил 19 март куни "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Мазкур ҳужжатда Давлат солиқ қўмитаси томонидан мамлакатда коронавирус (COVID – 19) эпидемиясининг тарқалишига қарши карантин муносабати билан жисмоний шахслар ва корхоналар учун бир қатор солиқ имтиёзлари ва енгилликлар тасдиқланди.

Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси (223 минг сўм) 50 фоизгача камайтирилди. Бу 239 минг якка тартибдаги тадбиркорга 155 миллиард сўм маблағини тежаш имкониятини беради.

Туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига фаолияти тўғридан-тўғри ёки билвосита туризм соҳасига боғлиқ бўлган 3 минг 167 якка тартибдаги тадбиркор учун даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорини 30 фоизга камайтириш тавсия этилди. Шу тариқа бу тадбиркорлар ҳисобида 2,3 миллиард сўм қолади.

*(Давоми 2-бетда)*

*Долзарб мавзу*

## КОРОНАВИРУС МУНОСАБАТИ БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН МУРОЖААТ

***Коронавирус тарқалишини олдини олишнинг энг муҳим шарти карантин қоидаларига қатъий ва истисноларсиз риоя этишдир.***

Шунинг учун, **чет элдан қайтиб келаётган ватандошларимиз, фаолиятида чекловлар ўрнатилган ташкилотлар ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва умуман мазкур чекловлар тегишли бўлган барча-барча субъектлар, жисмоний ва мансабдор шахслар** давлат томонидан белгиланган карантин қоидалари ва талабларини сўзсиз бажаришларини қатъий сўраймиз.

Амалга оширилаётган кенг қамровли тушунтириш ишлари ва чоралар, жумладан, мураккаб шароитда ва тезкор равишда чет элдан қайтиб келаётган кўп сонли ватандошларимиз учун республика ҳудудларида шароитлар қилинганига қарамасдан, Самарқанд вилоятида карантинга олинган масқандан иккита фуқаро қочиб кетган.

Ўзларининг бу масъулиятсизлик хатти-ҳаракати билан мазкур фуқаролар республикадаги бошқа фуқаролар ва яқинлари ҳаётини хавфга қўйган ва бу билан Ўзбекистон қонунларини қўпол равишда бузган. Ушбу фуқаролар ҳозирда ушланган ва изоляция қилинган. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

**Шу муносабат билан яна бир марта барча аҳоли қатламларини алоҳида огоҳлантирамиз** ҳамда ўз ҳаракатларингиз билан нафақат ўзингиз балки оила аъзоларингиз ва халқимизга зиён етказишингиз мумкинлигини доимо эсда тутишларингизни сўраймиз.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон қонунчилигида жуда кескин жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Жиноят кодексига асосан шундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар **8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши мумкин.**

Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш учун фуқаролар жамоат жойларига иложи борича чиқмаслиги, ўз ҳаракатланишини кескин чеклашлари ва умуман олганда жамиятда бир-бирлари орасида масофа сақлашлари зарур.

Ҳурматли фуқаролар, барча белгиланган қоида ва чекловларга тартибли равишда амал қилинсагина, тегишли ташкилотлар талаблари қатъий бажарилсагина, бутун дунёда тарқалаётган ушбу вирусга қарши биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги курашимиз самара беради. Барчангизни шунга чақирамиз.

Ўз навбатида, тегишли мутасадди масъул идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари карантин билан боғлиқ талабларга риоя этилишини 24 соат таъминлаб боришига шахсан жавобгардирлар.

**Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси**

## Долзарб мавзу

# НАРХ-НАВО ОШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жисмоний шахсларнинг 2019 йил учун жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш муддати 2020 йил 1 августгача ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябргача узайтирилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича 7,3 миллион фуқарога 2020 йил учун 2 триллион сўм солиқлар ҳисобланган эди. Бу солиқларнинг 15 апрелгача тўланиши керак бўлган 1 триллион сўмга тенг қисми муддати ҳам 15 октябрга қадар узайтирилди.

2020 йил 1 апрелдан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган жисмоний шахсларнинг даромадлари солиқдан озод қилинди. Бу ўртача 28,4 миллиард сўмни ташкил этади.

Жорий йил 1 апрелдан 1 октябргача алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари 5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилди. Шу билан бирга, умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга камайтирилди. Ушбу имтиёзлардан 7 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фойдаланиб, улар ихтиёрида 17,1 миллиард сўм қолади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилди. Бу имтиёздан 83 мингта фермер хўжалиги фойдаланиб, уларга сув солиғидан белгиланган 300 миллиард сўмлик тўловлар ўрнига 150 миллиард сўм тўлаш ёки ихтиёрида шунча маблағларни тежаб қолиш имкониятини беради. Бу мамлакатимизда келгусида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ошмаслиги учун замин бўлади, албатта.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш имкониятини (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этди. Бундан 14 минг 828 субъект фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, баъзи тадбиркорлар товар, турли ускуналар олиш учун чет элдаги ҳамкорларига маблағ йўналтирган, лекин коронавирус билан боғлиқ вазият туфайли маҳсулот ўз вақтида етиб келмаган бўлиши мумкин. Эндиликда Президент фармони билан бундай вазиятда қўлланиладиган молиявий санкциялар бекор қилинади. Бу дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 813 субъектга 717,2 миллиард сўм молиявий жарималар қўлланилмайди, дегани.

Давлат солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пеняларни ҳисоблашни тўхтатиб туради, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан 2018-2019 йилларда тадбиркорлик субъектларида ҳужжатли текширишларни ўтказмаслик тўғрисида мораторий эълон қилинган эди. Шу мораторий бир йилга – жорий йил якунига қадар узайтирилди. Шунингдек, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъекти қийинчиликка учраётган бўлса, уларга солиқлар ва асосий тўловларни узайтириш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга ҳеч қандай жарима чоралари қўлланилмайди.

Президентимизнинг топшириғига кўра ҳар бир тадбиркор билан янгича тизим асосида ишлаймиз. Токи тадбиркорлик субъекти бугунги вазиятда бизнес қилишдан қўрқмаслиги, Президент ҳимоясида эканини сезиши керак. Шунингдек, солиқ органлари солиқ тўловчиларга мажбуриятларини уйларидан чиқмаган ҳолда бажаришлари учун масофадан туриб хизмат кўрсатишни кўпайтирмоқда. Мавжуд 45 та интерактив хизматнинг зудлик билан мобиль иловалари яратилди ва солиқ ҳисоботларини топширишдан тортиб, тўловларни амалга оширишгача имконият мавжуд.

Бугунги оғир шароитда давлат ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, мактабгача тарбия, ички ишлар ва бошқа давлат идоралари ходимларининг ўз вақтида маошларини тўлаб бериши, нафақалар ҳамда пенсия тўловларини амалга ошириши учун солиқ тушумларининг ўрни катта ва фуқароларимиз, тадбиркорларимизни уйидан туриб, яратилган қулайликлардан фойдаланган ҳолда солиқ мажбуриятларини вақтида бажаришга чақириб қоламиз.

**Беҳзод МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат солиқ қўмитаси раиси**

***Коронавируснинг тез тарқалиши оқибатида Америка Қўшма Штатларида фавқулодда ҳолат жорий этилиши, шунингдек, "Uzbekistan Airways" авиакомпаниясининг Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналиши бўйича мунтазам рейсларининг вақтинча тўхтатилиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонаси ва Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси қошида фуқароларимизга ватанга қайтишлари учун зарур маълумотларни тақдим этишга қаратилган доимий ишонч телефонлари фаолият кўрсатмоқда.***

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШДАГИ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФУҚАРОЛАРИМИЗНИ ВАТАНГА ҚАЙТАРИШ БЎЙИЧА ФАОЛ ЧОРАЛАРНИ КЎРМОҚДА

Ушбу штаб ва ишонч телефонлари фаолияти натижасида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси кўмагида 16-20 март кунлари 6 нафар ҳамюртимизнинг Ўзбекистонга чартер рейс билан етиб олишларини таъминлаш мақсадида АҚШдан Истанбулга (Туркия) жўнатилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси Россиянинг Гаванадаги Бош консуллиги билан ҳамкорликда сайёҳлик гуруҳи таркибида бўлган икки нафар Ўзбекистон фуқаросининг Кубадан Туркияга юборилишига эришди.

АҚШда вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари учун визаларни узайтириш масалаларини ҳам қисқа муддатларда ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада элчихона АҚШ Давлат департаменти ва америкалик юристлар билан иммиграция соҳасида фаол музокаралар олиб боряпти.

Шу билан бирга, дипломатик ваколатхоналаримиз АҚШ ва Канададаги ўзбеклар диаспораси ташкилотлари ва жамоат фаоллари билан доимий алоқа ўрнатган. Ватандошларимизда коронавирус билан боғлиқ фактлар аниқланган тақдирда, уларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси коронавирусни аниқлаш учун реактивлар диагностик тўпламини яратиш мақсадида Американинг "Genscript" компаниясида ишлаб чиқарилган синов тизимлари намуналарини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илғор технологиялар марказига лаборатория тадқиқотлари учун етказиб берди.

**"Дунё" АА,**
*Вашингтон*

*Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

# ТЎЙЛАР, ОИЛАВИЙ ТАНТАНАЛАР, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАР ЎТКАЗИШДА, ОШ БЕРИШ МАРОСИМЛАРИНИ ВАҚТИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2736–III/КҚ-592–III-сон Қўшма қарори ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 489/59-5-сонли қарори ижроси юзасидан қабул қилинган халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги 218/31-1 сонли қарорлари билан тасдиқланган "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Низомининг **2-боб 3-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида,** халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Миробод туманида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда ош бериш маросимларини ўтказиш вақтини белгилаш бўйича маҳалла раислари, фаоллари, нуронийлар ҳамда жамоатчилик томонидан берилган фикр ва мулоҳазалари туман комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилиб, билдирилган таклифлари инобатга олинсин.

2. Миробод тумани ҳудудида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда ош бериш маросимларини ўтказиш вақти йил фаслларидаги шароитлардан келиб чиқиб, куннинг биринчи ярмида соат 6-00 дан 13-00 га қадар белгилансин.

3. Миробод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (А.Мусаев), туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (Ф.Мадаминова).

Мазкур қарор талаблари бўйича Миробод туман ҳудуддидаги маҳаллаларда ош бериш маросимларининг аниқ вақти белгиланганлиги тўғрисида ўрнатилган тартибда тарғибот ишларини мунтазам равишда ўтказиб бориш йўлга қўйилсин.

4. Миробод тумани ҳокимлиги матбуот хизмати (Ш.Хазрат):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расман эълон қилинсин ва www.regulation.gov.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Миробод туман Кенгаши раиси**
**Ш.Пулатов**

*2020 йил 28 февраль*

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТИББИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

***Маълумки, ҳозирда кўпчиликни ваҳимага солган аср вируси коронавирус ҳақида турли хил фикр ва мулоҳазалар бор.***

Бугунги кунда Вирусология институти лабораториясида Францияда бўлиб қайтган бир нафар Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 коронавирус инфекцияси аниқланган. Коронавирус ва унга қарши курашиш бўйича маслаҳат ва кўрсатмалар мунтазам берилмоқда. Демак, кучли хавотирларга ўрин йўқ. Коронавирус инфекциясининг оқибатлари турлича: ўртача шамоллашдан бошланар экан, демак Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан алоқа сайти очилган.

Коронавирусдан ҳимояланиш учун қуйидагиларга амал қилишни тавсия қилинмоқда:

– қўлларни совун билан ювиш ёки спиртли асосдаги воситалар билан артиш;

– йўталганда ёки аксирганда оғиз ва бурунни дастрўмол ёки билак билан ёпиш;

– шамоллаш ва грипп аломатларига эга одамларга яқинлашмаслик;

– стерил воситалардан фойдаланиш;

– ёввойи ҳайвонлар ва чорва билан ҳимояланмаган алоқалардан қочиш.

Ўзбекистон коронавирусга қарши курашиш учун Россиядан зудлик билан 500 та сунъий нафас олиш аппарати сотиб олинди. Жамоат жойлари ҳар куни уч марта дезинфекция қилинмоқда. Коронавирус тарқалган давлатлардан келган Ўзбекистон фуқаролари ўз уйида 14 кун карантин сақланмоқда. Уларнинг карантинда ўтирганини ИИВ ва Маҳалла вазирлиги назорат қилмоқда. Ўзбекистон ҳудудидаги оммавий тадбирлар қисқартирилди.

Тиббий соҳада қонун устуворлигини таъминлаш ва қонун ҳужжатлари ижросини ташкил қилиш, бу соҳага доир қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш ҳамда беморлар ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг қонунийлигини таъминлашга ёрдам бериш мақсадида Адлия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида қўшма лойиҳа имзоланганди.

Шунга кўра, тиббиёт соҳасига доир қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ёритиб беришга қаратилган тарқатма тарғибот материалларини тайёрлаш каби чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Демак, бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлган коронавирусга қарши курашда фуқароларимизнинг соғлиқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун устуворлигини таъминланишига, шунингдек, аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланишда ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстиришга хизмат қилади.

Агар эътибор берсак, биринчидан, "ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА"ги Қонуннинг 1-моддасида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти халқаро шартномада фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади, деб белгиланган. Шунингдек, 3-моддага кўра, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;

профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;

соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши қайд этилган.

Эътиборли томони шундаки, мазкур қонуннинг 23-моддаси "Фавқулодда вазият туфайли жабр кўрган фуқаролар бепул тиббий ёрдам олиш ва соғлиқни тиклаш тарзида даволаниш, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳаёти ва соғлиқларига таҳдид солаётган хавфни камайтиришга қаратилган гигиена чора-тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазият шароитида одамларни қутқариш ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида жабр кўрган фуқароларга бепул даволаниш, шу жумладан, санаторий ва курортларда даволаниш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий компенсация олиш кафолатланади" деган тамойилни амалга оширади. Фуқароларимиз билиши керакки, беморнинг ҳуқуқлари 24-моддасида Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;

шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек, соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;

ихтиёрий тиббий суғурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Шуни ҳам билишимиз керакки, мазкур қонуннинг 28-моддада фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати ҳам қайд этилган бўлиб, яъни, атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга фуқаролар ёки улар қонуний вакилларининг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатилишига (тиббий кўрикдан ўтказиш, касалхонага ётқизиш, кузатиш ва яккалаб қўйишга) қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда йўл қўйилади. Бундай ҳолларда 29-моддада белгиланганидек, Давлат соғлиқни сақлаш тизими жамоат бирлашмаларининг муассасалари кўрсатадиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий, қулай ва бепул тури бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, заҳарланиш ва шошилинч ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларни даволашни;

санитария-гигиенага доир ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказишни;

оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар кўришни.

Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг муассасалари томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами шартнома асосида амалга оширилади, ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шундай ёрдам кўрсатиладиган фуқароларнинг айрим гуруҳлари бундан мустасно.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

33-модда. Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишда, атрофдагилар учун хавфли бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ана шундай мақсадга мўлжалланган муассасаларида бепул амалга оширилади.

Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг турлари ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади.

Шунингдек, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги 2015 йил 6 августда қабул қилинган қонун мавжуд бўлиб, унинг 1-бобида чекловчи тадбирлар (карантин) – юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар ҳамда 2-бобида 4-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар:

санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши;

аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

давлат санитария назоратини амалга ошириш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Карантин ва чеклов тадбирларини бузганлик ва касаллик ўчоғига борганлик ҳамда беморлар билан мулоқотда бўлганлик ҳақидаги маълумотларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, яъни 257 прим-1-моддасида қайд этилган жиноятни содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, яъни 54-моддасида қайд этилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати бўйича — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унутмаслик керакки, 2016 йил 5 январда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг мақсади дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, мазкур қонуннинг 24-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш, шу жумладан илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намойиш этиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади.

Эслатиш жоиз яъни қонуннинг 27-моддасида қайд этилганидек, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мавжуд яъни, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, шифокорлар бугун шай: ўз халқига шифо беришда, фармацевтларимиз дори ва тиббий воситалар билан яна сифатлиси ва атайин нархи оширилмаган ҳалол тиббий анжомларни етказишда, божхона карантин қоидаларини бузмай хизмат кўрсатишга, профессор-ўқитувчилар замонавий таълим онлайн усулида дарс машғулотларини ўтишда бир жону бир тан бўлишади. Бу қадимий маънавий бирлигимиз ва бойлигимиздир.

**Ф.МУХИТДИНОВА,**
**юридик фанлар доктори, профессор,**
**Республика Маънавият**
**ва маърифат маркази эксперти**

# АРМИЯГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР ТАКРОР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛМАЙДИ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда асосий эътибор Миллий армиямизни малакали ва етук кадрлар билан таъминлаш, Қуролли Кучлар салоҳиятини янада ошириш ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, чақирув мутлақо янги тизимда ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Унга кўра, вазирлик ва идора вакиллари томонидан номзод чақирилувчи билан яккама-якка тарзда суҳбат ўтказиш орқали уларни ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш ва қўшин турларига тайинлашнинг поғонали механизми жорий этилди. Жойларда чақирув тадбирларини сифатли ўтказиш учун мудофаа ишлари бошқармалари ва мудофаа ишлари бўлимларида бир қатор комиссиялар тузилди. Асосий мақсад чақирув тадбирлари очиқ, ошкора ва шаффофлик руҳида ўтказилиши, шу орқали Қуролли Кучларни фидойи, ватанпарвар ва юксак салоҳиятли чақирилувчилар билан бутлаш имкониятини яратишдир.

– Жорий этилган янги тизимни йўлга қўйиш орқали кўплаб қулайликларга эришилди, – дейди Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи, подполковник Улуғбек Қодиров. – Хусусан, ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлари, шунингдек, ўз қўшин турлари учун саралаш ва бутлашга масъул бўлган МВ, ИИВ, ФВВ, ДХХ ЧҚ ва Миллий гвардия вакилларининг жавобгарлиги ортади. Номзодлар яккама якка суҳбат ўтказиш орқали танлаб олиниши туфайли Қуролли Кучларни муддатли ҳарбий хизматчилар билан сифатли бутлашга эришилади. Армияга чақирилаётган ёшларни қайта-қайта, бир-бирини такрорловчи тиббий кўриклардан ўтказиш зарурати йўқолади.

Тадбирда муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг соғлиғига бўлган талаблар, тиббий комиссиядан ўтиш тартиби каби масалалар юзасидан ахборот берилди. Чақирилувчиларни якуний тиббий кўрикдан ўтказиш масъулияти ҳарбий госпиталларнинг ҳарбий шифокорлари зиммасига юклатилди. Шунингдек, вилоятлар бўйича раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссиялар, туманларда эса Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Барча фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Мудофаа ишлари бўлимларида электрон тизимга асосланган "Ягона дарча" хизмати жорий этилмоқда. Эътиборлиси, чақирувчилар, уларнинг ота-оналарининг мурожаатлари тўғридан-тўғри раҳбарият кенгаши томонидан шу жойнинг ўзида якуний тарзда ҳал этилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИККИ БАРАВАРГА ОШИРИШ МУМКИН?

***Бугунги кунда Ўзбекистонда электр энергиясига бўлган талаб қарийб 69 миллиард кВт/соатни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, 10 йилдан сўнг ушбу кўрсаткич 117 миллиард кВт/соатгача ошади.***

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан 2018 йилда ратификация қилинган Иқлим бўйича Париж битимига мувофиқ, атмосферага зарарли чиқиндиларни камайтириш бўйича чораларни кўриш ҳам долзарб масалалардан. Шундай экан, мамлакатимиз қандай қилиб бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифани бажариши – атмосферага чиқувчи зарарли "иссиқхона гази" чиқиндиларини камайтирган ҳолда саноат ва уй хўжаликларининг электр энергиясига ортиб бораётган талабини қондириши мумкин?

Чиқиндиларнинг асосий улуши углеводородлар – кўмир, нефть ва табиий газни ёқиш жараёнида ҳосил бўлганлиги боис, янги энергия манбаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мутахассисларнинг фикрича, қайта тикланадиган энергия манбаларини, яъни – қуёш, шамол, сув асосидаги генерация манбаларини ривожлантириш керак. Лекин қайта тикланадиган энергия манбалари кўп жиҳатдан табиий ҳамда иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Бироқ аҳоли, айниқса, саноат соҳаси доимий, узлуксиз электр энергиясига муҳтождир. Мамлакатни электр энергияси билан таъминлаш ва атмосферага зарарли "иссиқхона гази" чиқиндиларини камайтириш учун мутахассислар энергия балансига эришиш йўлларини изламоқда. Масаланинг ечими сифатида эскирган кўмир станциялари миқдорини камайтирувчи энергия мувозанатига эришиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишга тушириш режалаштирилган.

Дарвоқе, бундай саъй-ҳаракатларда "яшил энергетика" манбаи – АЭСлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки атом электр станциялари атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқармайди ва шу сабабли ҳам ушбу кўрсаткич бўйича "тоза" энергия турига киритилади. Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар энергия балансини диверсификациялашнинг айнан шундай усулини танламоқда.

– 2018 йилда Ўзбекистон Париж битимини ратификация қилди ва 2030 йилга келиб иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги умумий ҳажмни ошириш ҳисобига қисқартириш мажбуриятини ўз зиммасига олди, – деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Фарруҳ Ҳасанов. – Шу ўринда, қайта тикланувчи энергия манбалари сингари иссиқхона газларини қисқартириш ва табиий ресурсларни тежаш борасида атом энергетикасининг ҳам ҳиссаси бекиёслигини дунё тажрибаси аллақачон кўрсатиб берганини алоҳида қайд этиш зарур. Бунга эса юртимизда бу борада қўйилган қадамлар ҳам ёрқин мисолдир.

Мамлакатимизда Россия лойиҳаси бўйича "3+" авлодга мансуб "ВВЭР-1200" энергетик реакторларга эга иккита энергоблокдан иборат дунёдаги энг замонавий атом электр станцияси – АЭС қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур атом электр станцияси йилига 18 миллиард кВт/соатдан ортиқ электр энергиясини ишлаб чиқара олади, шу билан бирга, "иссиқхона газлари"нинг атмосферага чиқиши олди олинади. Агар шундай қувватга эга иссиқлик электр станциясида электр энергияси ишлаб чиқарилса, йилига тахминан 14 миллион ис гази ва 36 минг тонна азот диоксиди ҳосил қилган бўлар эди.

– Бугунги кунда энергетика соҳаси вакиллари олдида турган асосий вазифа, биринчидан, республиканинг табиий имкониятлари, иккинчидан, халқаро тажриба ва замонавий энергия тежовчи технологияларнинг арсеналини ҳисобга олган ҳолда уйғунлашган энергия балансини ишлаб чиқиш ва яратишдир. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни эътироф этиш мумкинки, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳамда базавий энергия манбаи сифатида атом электр станциялари (АЭС) давлатимизнинг энергетика хавфсизлигини кафолатлаши, мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиётини узоқ муддатгача юқори сифатли, арзон электр энергияси билан узлуксиз таъминлаши мумкин, – дея таъкидлади "Ўзатом" агентлигининг атом энергетикаси ва ядровий технологиялар бошқармаси бошлиғи Қосим Тўхтахунов.

Турли мамлакатларда энергия тизимларини ривожлантириш тажрибасига назар ташлаганимизда, биз замон талабларига жавоб берадиган ягона ва идеал энергия манбаи йўқлигини кўрамиз. Энг мақбул ечим – турли хил кўринишдаги электр энергиясининг комбинацияси ҳисобланади, айнан шу йўлни Ўзбекистон ҳам танлаган. 2030 йилгача ГЭСларнинг амалдаги қувватини 1,9 ГВт дан 3,8 ГВт га ошириш, шунингдек, мувофиқ равишда 5 ГВт ва 3 ГВт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилмоқда. АЭСдаги икки реакторнинг қуввати 2,4 ГВтни ташкил этади. Шунингдек, аҳоли томонидан қўшимча 1 ГВт атрофида кичик фотоэлектр қуёш станциялари ўрнатилиши кутилмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда электр энергиясига бўлган талабни қондириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ижроси тўлиқ таъминланса, биз замонавий энергия самарадор технологияларга асосланган иссиқлик электр станциялари учун ҳам ўрин топилувчи энг мақбул энергия балансига эга бўламиз. Қайта тикланадиган энергия ва атом энергетикаси эса ўзаро рақобатлашмаган ҳолда бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## РАҚАМЛАШТИРИШГА ЎТИШ:
# ХУСУСИЙ МАКТАБЛАРДА ЯНГИЛИК

***Ўзбекистонда хусусий мактаблар фаол ривожланмоқда. Турли йўналишдаги ва таълим методларига эга янги ўқув муассасалари пайдо бўляпти.***

Хусусий ва давлат мактаблари орасидаги фарқларга қарамасдан, таълим жараёнини бошқариш, болаларнинг давомати, ўзлаштириши ва ютуқларини назорат қилиш ҳар қандай ўқув муассасасининг асосий вазифасидир.

Бугунги кунда Тошкентда 51 та хусусий мактаб фаолият кўрсатмоқда. Аксарият мактаблар Kundalik компаниясига платформани ўз ўқув муассасасига жорий этиш юзасидан мурожаат қилмоқда. Чунки айрим хусусий мактаблар қоғоз журналларни юритишдан тўлиқ воз кечишга тайёр. Хусусан, бугунги кунда ўндан ортиқ хусусий мактаб Kundalik билан ишламоқда.

– Хусусий ва давлат мактабларининг раҳбарияти ва ходимлари www.kundalik.com сайтига уланиш учун ариза қолдиришлари мумкин, – дейди Kundalik компаниясининг техник кўмак хизмати раҳбари Ҳилола Иззатова. – У кўриб чиқилганидан кейин биз маълумотларни текшириш учун мактаб билан боғланамиз ва уни тизимга улаймиз. Айни пайтда платформага уланиш ва унинг барча имкониятларидан фойдаланиш давлат мактабларига ҳам, хусусий мактабларга ҳам бепул асосда тақдим этилади.

Айрим мактаблар учун рақамли таълим платформасини жорий этиш ўқув муассасасининг концепциясидан келиб чиқадиган асосий ривожланиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

– Мактабимиз концепцияси гендер таълимига асосланган: ўғил болалар қизлардан алоҳида ўқийди, – дейди Oriental School хусусий мактабининг директори Шуҳрат Тоиров. – Бу кўплаб чет мамлакатларда амалга оширилаётган муваффақиятли модель бўлиб, биз ҳам яхши натижаларни кўряпмиз. Мазкур методика таълим сифатини оширади, болаларда комплекслар учун сабаб йўқ, уларга ўз фикрларини психологик жиҳатдан ифодалаши, фаолликни намоён этиши осонроқ бўлади. Мактабимизнинг асосий мақсади болалар маънавиятини юксалтириш ва юқори таълим сифатини таъминлашдан иборат. Мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларига ўқишга кираётган абитуриентлар сони таълим самарадорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Kundalik таълим платформасини жорий этиш ҳам сифатни кўтариш, назоратни кучайтириш, асосий мақсадимиз сари ташланган қадамлардан бири бўлади. Таълимда электрон журнал ва кундаликларни жорий этиш орқали тизимни рақамлаштириш, ота-оналарга ўз фарзандларининг мактабдаги ютуқларидан доим хабардор бўлишига ёрдам беради. Ўқитувчиларда эса ўқитиш методикасини такомиллаштириш учун кўпроқ вақт бўлади.

– Ўқитувчилар ҳар доим диққатини дарсни ривожлантиришга қаратади ва кўп ҳолларда журнални тўлдириш иккинчи даражали ишга айланади, – дейди Planeta Chudes хусусий мактаби директори Наргиза Усманбекова. – Шу боис, назаримда, электрон журналларни жорий этиш – таълим тизими учун катта ютуқдир. Чунки педагогларда дарс сифатини оширишга сарфлаш мумкин бўладиган кўпроқ вақт пайдо бўлади.

Мамлакатимиз ҳудудларида Kundalik таълим платформасини жорий этиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирда Сирдарё вилояти мактабларида педагоглар ва тизим маъмурлари учун ўзгариш ишлари бошланган. Тошкент шаҳри ва ҳудудларида платформани жорий этиш ҳаракатлари давом этмоқда.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

**Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан**

# СИНОВЛАРДА ИРОДАСИ СИНМАГАН

***Нина Мартинова Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ленинград қамалида иштирок этган. У омон қолганини чин мўъжиза, деб билади.***

Нина Федосеевна қаттиқ қийинчиликлар, синовли йилларни енгган инсонлардан. Эндиликда ёшларни ҳам сабр, қаноат, тўғрилик, оддийлик, одамийлик билан умр кечиришга даъват этади.

Нина опанинг ота-онаси Ленинград қамали пайтида ҳалок бўлган. Ўша синовли дамлар унинг умри давомидаги энг оғир, мусибатга тўла давр эди. Ўлим деганлари қошу қовоқнинг ўртасида экани Нина опанинг онгига жажжилигидан ўрнашиб қолган.

Ўшанда снарядлар ёмғири остида Нина катта опаси Валя билан Уралга, Нижний Тагилдаги Весим посёлкасидаги болалар уйига эвакуация қилинган эди. Яратган мусибат чеккан бандасига меҳрибон. Опа-сингилларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг кўмагида Воронеждаги бобо-бувиси ахтариб топди. Бу тақдирнинг чин маънодаги туҳфаси эди.

– Етти йиллик мактабни тамомлаб, кексаларга чорвачилик, ҳовли-рўзғор ишларида кўмаклашардим, – деди Нина Федосеевна.

Устининг юпунлигию қалбининг кемтиклигига парво қилмасди. Тўқлигидан оч вақти кўп эди. Ленинград қамалидек жаҳаннамдан омон чиққани, тирик қолганини олий бахт деб биларди.

Тошкент ўша оғир йилларда ҳам нон, меҳр, қуёш шаҳри сифатида донг таратганди. Опа-сингиллар бирин-кетин бу шаҳри азимга келиб ўрнашди. Нина Федосеевна заводда меҳнат қилади. Турмуш қуриб, бахтини топди. Фарзандларига она, невараларига буви бўлди. Унинг айтишича, диёримиздаги меҳр-оқибат, яхшиликка хайрихоҳлик, оғир кунларда ўзгалар ташвишига елкадошликни, катталарга ҳурматни дунёнинг бошқа ҳеч жойидан топиб бўлмайди.

Нина Мартинова каби ёши улуғ одамларни наинки байрамларда, балки тез-тез йўқлаш, кўнглини кўтариш пойтахтнинг Яшнобод туманидаги "Бешариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яхши анъанага айланган.

83 ёшли Нина Федосеевна ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳридарёлиги, саховатидан умрбод миннатдор. Айни пайтида бу нуроний онахоннинг қийинчиликларни муносиб тарзида енгиш, сабр, шукроналик, ростгўйлик, оддийлик, ҳалоллик каби фазилатлари бугун айниқса, ибратлидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ОЛОВЛАРДА ЁНМАГАН МАКТУБЛАР

***Раззоқ мерганнинг ови бугун бароридан келмади. Каклик, қирғовул ва бедана отиб келарди. Бугун негадир омади чопмади. Хуржунни елкалаб, қўлида чақмоқ милтиғи билан уйига қуруқ қайтди.***

Мўйлови сабза ўрган Абдуҳолиқ эндигина мактабдан қайтган эди. Шу орада "Уруш. Гермон советга кириб келибди", деган шум хабар бутун қишлоққа тарқалди. Мерганнинг ранги оқариб, елкадаги ов хуржуни ҳам оғирлик қилиб, гужум дарвоза ёнида ўтириб қолди. Абдуҳолиқнинг парвойи палак, ҳали бу нарсаларга ақли етмас, ўз уй-хаёллари билан банд ҳолича ҳовлига кириб кетди...

1942 йилнинг кузбоши. Мерган ҳар кунгидай вақтли турди. Урушга деб йиғиб қўйган халтадаги ғулин ва майизларни кўздан кечирар экан, уч киши бехосдан дарвозасини қоқиб келишди. Мерган бир нарсани кўнгли сезгандек оёғининг мадори қуриди. Чиқишга ҳам ҳоли бўлмай, олача чопонини елкасига ташлаб, учлик ёнига чиқди.

– Отахон, мана повестка, ўғлингиз Раззоқов Абдуҳолиққа. Олиб кетамиз, – дейишди. Мерган деворга суянганча, тарашадек қотиб қолди. Тили айланмай қолди. Ўғли урушга боради. Шу пайт Абдуҳолиқ айвондан чиқиб, дарвоза ёнида пичирлашиб турганлар ёнига келди. Отасининг рангида қон йўқ, кўзларида ҳалқаланган ёш милтиллайди.

– Ота, нима бўлди сизга, деб югура келиб ўғли мерганнинг қўлтиғидан олди.

– Сени олиб кетишармиш, – деди зўрға овози чиқиб.

– Қаерга?

–...

– Борсанг биласан, – деди келганлардан биттаси.

– Шунга шунчами, борамизда келамиз ота.

– Кийимларингни ол! У ерда керак бўлади, – деди ҳалигилар.

Абдуҳолиқ ҳеч нарсадан бехабар кийиниб чиқди. Онаси ҳам, синглиси ҳам ҳайрон. Мерган уларга лом-лим демади.

Ўғли эса бояги сўраб келган уч кишига эргашиб кетди.

Ҳамма дард кейин бошланди. Она ҳам сўрай-сўрай ўғли қаерга кетганининг хабарини олди. Бир зумда қишлоқ тўс-тўполон ичида қолди. Норғул йигитларни бирин-кетин олиб кетишаётган эди.

Қишлоқдаги ўзини эплаган йигитларнинг барчаси фронтга кетган эди. Қишга бориб қишлоқ ҳувиллаб қолган, қари чоллар қолган эди, холос. Раззоқ мерган шу-шу овга ҳам бормай қўйди. Милтиғини ҳам назарлардан холи жойга яшириб қўйди...

Ўғлидан хат келди. Хатида ёзишича, 1942 йил 19 октябрда, Туркманистоннинг Керки шаҳрида ҳарбий тайёргарлик машқларини ўтаётган экан. Захирадаги 753-частда. Расм ҳам юборибди. Эгнида ҳарбий кийим, бошида "пилотка", елкасида ҳарбий сумкасининг тасмаси кўкраги бўйлаб тушиб турарди.

Кейин билса, ўғли махфий топшириқ билан Туркманистонга келган экан. Бухорога ҳам келибди. Сабаблари номаълум.

Бу сирларни уруш ўзи билан бирга олиб кетди. Хат ва сурат Туркманистондан юборилган эди. Сурат эса фронтнинг дастлабки захирада жойлашган еридан юборилган...

Қишлоқдаги хушчақчақ чеҳрадан асар ҳам қолмаган. Ота суратдаги кўзларга боқиб, қандайдир бир хавотир рангини сезди. Демак, ўғли урушга бораётганини ҳис қилибди, деб ўйлади мерган. Ўйлади-ю ич-ичидан эзилди.

Иккинчи хат қиш пайти – 1943 йилнинг 1 январида келди. Хат билан сурат ҳам бор экан. Ўғли уч ўртоғи билан ёнма-ён тушган сурат. Иккови тик ҳолда, ўғли билан яна бир аскар ўтирган ҳолатда тушган. Суратга қараб ота қувонмади, аксинча ичида бир олов ёнди. Бу олов суратдаги аскарларнинг чеҳрасида ҳам намоён эди. Ўғлининг ҳарбий кийими ўзгарган, бўлинма командири бўлса керак...

Туркманистондан фронтга қайтаётиб, Кармана вокзалида бир сония тўхтаган поезднинг деразасидан таниб қолган ҳамқишлоғига "Отамга айтинг, Украинага кетаяпмиз", деган экан. Бу ўғлининг охирги айтган, ўз ота маконида айта олган сўнгги сўзи эди.

Шу-шу ундан қайтиб ҳеч қандай хат ёки бошқа бир хабар келмади. Норғул йигитдан фақат бир жуфт фронт мактуби ва икки дона сарғайган сурат қолди.

Раззоқ бобо Ҳақбердиев ҳам етмишни қоралаб, ўғлининг дардида куйиб бу оламдан кўз юмди.

Аммо урушни эслатиб турувчи хат ва сурат ҳали-ҳануз 77 йилдан бери сақланиб келади. Хат ва суратда муҳрланган хотирани авлодларга етказиш учун унинг невараси Муртоз Тиркашев бу омонатни кўз қорачиғидай асраб келди. Умрининг сўнггида кенжа ўғлига топширди. Ҳозирда Раззоқ бобонинг эвараси Дилкаш Тиркашевда урушдан қолган омонат сақланиб келинмоқда.

Яқинда карманалик Дилкашжоннинг уйига борганимизда йиллар қатида урушдан хотира бўлиб келаётган хат ва суратни Навоий вилояти архиви ходимларига топширди. Бундай содиқлик ҳар кимда ҳам бўлавермайди.

Урушлар унутилар, яралар битар. Аммо хотиралар уларнинг оловларда-да ёнмаган, сувларда-да чўкмаган мактублари ва суратлари қалбларда мангу яшаб келаверади.

**Шойим ШЕРНАЗАР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

**Ёмондан яхшига қараганда яхшидан ёмон яхши.**

* * *

**Кўз ёши билан қайғу доғини юва олмайсан.**

* * *

**Жангда қилич қарзга берилмайди.**

* * *

**Қайнона келинининг қўлидаги тухумдан ҳам чок топади.**

* * *

**Зарар ҳам фойда келтириши мумкин.**

* * *

**Зарбангга жавоб қайтармагандан қўрқ: у сени асло кечирмайди.**

*Бернард Шоу*

* * *

**Зиқналик – энг ашаддий қашшоқлик.**

* * *

**Зиқнанинг нонидан юлдузнинг нури яқинроқдир.**

* * *

**Игна яланғоч бўлса ҳам ҳаммани кийинтиради.**

* * *

**Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлади.**

* * *

**Икки кўз бутун дунёни кўради, аммо бир-бирини кўра олмайди.**

* * *

**Икки шунқор талашса, бир қарғага ем бўлади.**

* * *

**Илон йиқилганни чақади.**

* * *

**Инсон камолотга эришишининг уч йўли бор: биринчиси, энг олижаноблиги – мулоҳаза юритиш, иккинчиси, энг осони – тақлид қилиш, учинчиси, энг аччиғи – тажрибадир.**

*Конфуций*

* * *

**Иштаҳа биринчи луқмадан келади, жанжал биринчи сўздан бошланади.**

* * *

**Ишқ шивирлаганда, онг кар бўлади.**

* * *

**Ичингдаги сўзинг – қулинг, тилингдаги сўзинг – хўжайинингдир.**

* * *

**Йигитнинг хуни – юз танга, ор-номуси – минг танга.**

* * *

**Йиғи келаётган қасрдан, кулгу эшитилаётган кулба афзалдир.**

**Тўпловчи Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## Реклама ва эълонлар

Фуқаро Манисламов Игорь Жамильевичга тегишли бўлган 12.06.2001 йилда берилган № 5125196 рақамли ҳарбий гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли мукофот эвазига қайтарилишини сўраймиз. Маълумот учун телефон: (93) 579-77-60.

Тошкент шаҳри Миробод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 30.05.2017 йилда № 522002 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "MY STUDIO" НТМ (СТИР 304918206) таъсисчининг 18.06.2019 № 2-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, 2-тор Катта Миробод кўчаси, 34-уй, 2-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: (+99893) 551-42-47.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **26 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи – 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

# НОДАВЛАТ АРХИВЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлганидек, архив иши ва иш юритиш соҳасидаа бир қаторислоҳотлар олиб борилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб борилмоқда.***

Архивлар фуқаролар, давлат ва жамият учун аҳамиятли бўлган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга муассаса. Бугунги кунда фуқароларни ахборот олишга уларга тез ва сифатли ахборотларни узатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган архив ҳужжатларини тақдим этишда архивлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда давлат архивлари фаолияти билан бир қаторда нодавлат архивлар – Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмига кирган архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассасалар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси "Архив иши тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида Архивларни ташкил этиш шартлари белгиллаб берилган. Унга кўра архивларни ташкил этиш учун архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган модий-техник база шу жумладан, бино (хоналар) зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган, нодавлат архивлар ҳам ушбу норма талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Архивларни ташкил этишдан асосий мақсад – корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслардан қабул қилинган архив ҳужжатлари сақловини ташкил этишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси "Архив иши тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида "Архивлар давлат ва нодавлат архивлар турларида ташкил этилади ва ташкил этилиши мумкин". Ушбу қонун нормаси юридик шахс мақомида эга бўлган нодавлат архивлар ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорда ҳам нодавлат архивлар ташкил этиш ва фаолият юритишда қўйиладиган талаблар белгилаб берилган унга кўра: 1) моддий-техник база (металл стелажлар сақлаш жойларида намлик – ҳарорат меъёрини таъминлаш тизимлари ўлчаш асбоблари) шу жумладан бино (хоналар) архив ҳужжатларини сақлашни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш талабларига мос қўриқлаш воситалари ва ёнғинга қарши воситалар мавжудлиги; 2) архив иши бўйича фаолиятни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий услубий базаларнинг мавжудлиги; 3) архивда фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус курсларда таҳсил олган архив иши бўйича мутахассислар мавжудлиги; 4) архивларнинг фаолиятини амалга оширишга тегишли архив иши бўйича ҳудудий бошқарма эксперт-текширув комиссиясининг архив ҳужжатларини сақлаш шароитлари ва архивнинг таъминлаганлигини ўрганиш натижаларига асосан ижобий хулосаси мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Бугунги кунда бир нечта нодавлат архивлар фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, нодавлат архивлар фаолиятини такомиллаштириш ушбу соҳада моддий манфаатдорликни ошириш зарур, нодавлат архивлар фаолиятининг замонавий инфратузилмасини яратиш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" Агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторни янада ривожлантириш архив иши соҳасида давлат хусусий шерикчилик учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида вазифалар белгилаб бердилар. Нодавлат архивлар ташкил этишнинг бир қатор афзалликларга эга мисол учун вақтинчалик архив ҳужжатларини сақловини ташкил этиш, архивлар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши, хизмат сифатининг ошишига архив иши соҳасида давлат иштирокини камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда нодавлат архивлар фаолиятида ҳам инновацион ёндошув зарур.

**Ғани ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви етакчи архивчиси**



# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***"Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг Темир йўлчилари ва қурувчилари касаба уюшмаси қошидаги "Сиҳатгоҳ" санаторий-профилакториясида "Коронавирус инфекцияси" ва "Грипп вирусли инфекция касаллиги" мавзуларида давра суҳбати ташкил этилди.***

Депутатлар, "Адолат" СДП вакиллари, фаоллар ва шифокорлар иштирок этган давра суҳбатида таъкидландики, бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг катта муаммолардан бири бу – коронавируснинг тобора авж олиб бораётганлиги. Ушбу касаллик туфайли дунёда ҳар куни қанчадан қанча инсонлар бевақт вафот этмоқда. Хитой Халқ Республикасидан бошланган касаллик бошқа мамлакатларга ҳам яшин тезлигида тарқалмоқда.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилдики, бизнинг юртимизга ушбу вируснинг кириб келишининг олдини олиш чораларини кўриш, бу йўлда фуқароларимиз доимо ҳушёр бўлиш зарур. Бу ишга масъуллар халқимизни доимо огоҳ бўлишга даъват этиши, ҳимояни кучайтириши шарт.

Давра суҳбатида шу ва бошқа фикрлар билдирилар экан, ўз навбатида коронавирусдан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, коронавирус инқирози келтириб чиқарадиган баъзи ижобий ҳолатлар ҳам мавжудлиги эътироф этилди. Шулардан бири аҳолида шахсий гигиена ва зарурий профилактикага эътибор жиддийлашиши ва бу бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олишга ҳам ёрдам беришидир.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА**

# ТИЗИМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларининг асосий вазифаларидан бири бу – божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйишдир.***

Мазкур вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан Халқаро почта орқали юборилаётган почта жўнатмаларини самарали божхона назоратидан ўтказишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.

Қолаверса, 2004 йил 5 октябрь куни Бухарест шаҳрида имзоланган Халқаро почта жўнатмалари бўйича Конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда 2219-сон билан рўйхатга олинган "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш" қоидаларига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Лекин шунга қарамай, сўнгги вақтларда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини ҳамда наша уруғларини почта жўнатмалари орқали жўнатиш ҳолатлари кўпаймоқда. Хусусан, 2019 йил мобайнида почта жўнатмаларида 84 та ҳолатда 438,3 гр. гиёҳвандлик воситалари ҳамда 17990 дона психофаол таблеткалар аниқланган.

Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси билан яъни, гиёҳванлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб ўтиш билан боғлик ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиб, жавобгарликка тортилган шахслар эса ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

**Нодирбек УСМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

"101"

# ДОИМО ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

***Шаҳримиздаги турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ёшлар орасида тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.***

Масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, инсонларнинг бевақт ҳалок бўлишига йўл қўймаслик асосий вазифамиздир. Доимо ёнғин хавфсизлиги таъминланса машаққатли меҳнат эвазига келаётган бойлигимиз – иншоот ва биноларимизни ёнғиндан сақлашга улуш қўшган бўламиз.

**Комил АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий биноларида ЁХТТЭ 1-бўлинмаси ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар**

* * *

Ёнғинни "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.

Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиётсизлик муносабатида бўлиш, носоз қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларни олов билан ўйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўляпти. Белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг.

**Кайрат АРАЛБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ва Хўжалик фаолияти бошқармасининг Автохўжалиги биносида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант,**
**Ғиёсиддин УМАРБАЕВ,**
**Ҳукумат уйи биносида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, лейтенант**

* * *

Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқлик туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғин содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўпларнинг моддий бойликларини кулга айланиши, уй-жойсиз қолишига сабаб бўляпти.

Шу ўринда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этилишида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки, ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги керак.

**Жамол МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносида ЁХТТЭБ катта инспектори, лейтенант**

* * *

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Айримлар ҳатто кўра-била туриб қоидаларни бузишади, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек қарашади. Оқибатда эса ёнғин содир бўлиб, катта зарар келтиради.

Шу ўринда тартиб-қоидаларга амал қилиш муҳимлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

**Ғайрат РИЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ ВМ аппарати Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, катта лейтенант**

* * *

Маҳаллаларда, таълим муассасаларда ҳамда одамлар гавжум жойларда ёнғин офатларининг мудҳиш оқибатлари ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқдаки, фуқаролар ҳар қадамда ёнғин – "тилсиз ёв" эканлигини ҳис этиб, эҳтиёткор бўлсинлар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни унутмасинлар.

Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги ёки уларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун оловдан фақат ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланишимиз зарур. Шундагина оилаларимиз хотиржам, ёнғин оқибатида кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

**Улуғбек ҚУРБАНБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносида ЁХТТЭ ЁН ва ПБ инспектори, лейтенант**

* * *

Ёнғинни "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у қандай фасл бўлмасин фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.

Таҳлилларга кўра бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиётсизлик муносабатида бўлиш, хонадонлардаги электр симларда қисқа туташувлар, ёш болаларни олов билан ўйнашлари, иситиш мосламаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўлганини кўрсатмоқда.

Бу эса моддий зарар кўриш ва жиддий тан жароҳат олишга сабаб бўлади. Бундай асаббузарлик ва талафот бўлмаслиги учун газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўрардик.

**Улуғбек РАЗЗАКОВ,**
**"Бунёдкор" ЁХТТЭБ катта инспектори, майор,**
**Музаффар БАЙСАРОВ,**
**"Бунёдкор" ЁХТТЭБ инспектори, катта сержант**

* * *

Кундалик турмушда газнинг ўрни бекиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда кечади.

Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Агар беларволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" ҳамласига дуч келмаймиз. Турмушда ёнғин хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

**Шухратилла УРАЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ва Хўжалик фаолияти бошқармасининг Автохўжалиги биносида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, катта лейтенант,**
**Бектош ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ва Хўжалик фаолияти бошқармасининг Автохўжалиги биносида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, лейтенант**

* * *

Шаҳримиз ҳудудларида йиғилган чиқиндилар, қуриган ўтлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханлар ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз ҳид тарқалиши натижасида баъзи инсонларда турли аллергик хасталикларнинг қўзғалишига ҳам сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш уйида, унинг атрофида, масканларда раҳбарият томонидан жиддий эътибор қаратиб шаҳримиз гўзаллигига, ободонлаштирилишига ўз ҳиссасини қўшишлари лозим.

**Санжар АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносида ЁХТТЭ 1-бўлинмаси мутахассиси, кичик сержант**

* * *

Ёнғин туфайли кўнгилсизликлар келиб чиқмаслиги учун ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлигини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб, кулга айланаётганлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришаётир.

**Достон МИРЗАРАИМОВ,**
**"Бунёдкор" ЁХТТЭБ мутахассиси, оддий аскар**

***Фарзанд тарбияси улуғ ва шу билан бирга масъулиятли иш. Бунга минг йиллардан буён жуда катта эътибор билан ёндашилади.***

Мулоҳаза

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ

Бу миллат ва элат танламас маънавий хислатлардан биридир. Фарзанд тарбиясида ҳар бир лаҳза, ҳар бир ҳаракат эътиборга олиниши, таҳлил этилиши лозим. Бу ҳақда машҳур олим, доктор Ториқ ал-Ҳабибий шундай ёзади: "Фарзандингиз кўп ёлғон гапирадими, демак, сиз уни ҳаддан ташқари қаттиқ ҳисоб-китоб қилиб, тергайсиз. Агар у сизга ишонмаса, сиз уни шижоатлантирмаётган экансиз".

Дилбандингиз сўзлашишни билмайдими? У билан суҳбатлашишга алоҳида эътибор қаратинг. У ўғирлик қиляптими, демак, сиз унга совғалар, ҳадялар бермас экансиз.

Доктор Ториқ ал-Ҳабибийнинг таъкидлашича, фарзанднинг қўрқоқлиги, ота-онанинг уни кўп ҳимоя қилиши билан боғлиқ экан. Бундан ташқари, ота-онанинг ўз фарзанди билан баланд овозда гаплашиши, болани бошқаларни ҳурмат қилмаслигига олиб келар экан. Кишининг жамиятда тутган мавкеига боғлиқ бўлмаган бир касб борки, у оналик ва оталик касбидир. Ота-оналар ўз болаларининг тарбияси учун жамият олдида жавобгардир. Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етукликнинг гарови. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантириш, келин танлаш, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар қўлида. Бундай инсонлар илк бор оилада тарбияланади. Болаларнинг хулқ атворидаги хатолар ота-оналарнинг хатоларидир. Оила, оила аъзоларининг, айниқса ота-онанинг ахлоқий-маънавий етуклиги ва маърифий қарашлари фарзанд тарбияси ва камолида энг зарур ва муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Оила болаларни келажакдаги эр-хотинлик, шунингдек, оилавий ҳаётига тайёрловчи мактабдир. Инсонлар фарзандли бўлишдек бахтга эришиш билан бирга ота-оналик вазифасини ва масъулиятини ҳам тўла англаб етишлари лозим деб ўйлайман. Чунки жамиятимизнинг бахтли келажаги учун барчамиз масъулмиз. Болалар – оила ва жамиятнинг кўзгуси. Бола қалбига ҳамма нарсадан кўра ўрнак кўрсатиш кучли таъсир этади, ота-оналарнинг кўрсатадиган ибрати эса уларнинг қалбида бошқа ҳамма кишиларга ўрнагига қараганда чуқур ва мустаҳкам из қолдиради. Оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва серҳиллолиги билан ажралиб туради. Унда одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб ҳунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари катта роль ўйнайди. Фарзанд барча оила аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиради, аввало ўйин фаолияти жараёни, кейинчалик дарс тайёрлаш, касб-ҳунар танлаш ва ниҳоят оилавий хўжалик юритишда ота-оналар билан бирга бўлиб, уларни ҳамжиҳатликка, аҳилликка ўргатади. Ўғил-қизлар ота-онасининг кексалигида мададкор, таянч ва суянч бўлишини барчамиз биламиз, фақат бунинг учун унга ўз вақтида, ёшликдан яхши тарбия бериш, маънавий оламини бойитиш лозим. Демак, оиланинг мустақил ҳаёт йўлидан тетик одим ташлаши учун унда соғлом ва ақлли фарзандлар дунёга келиши керак ва ота-она унинг муносиб тарбияланишини ўзлари учун энг муқаддас ва шарафли, қолаверса ўта масъулиятли вазифа, деб билишлари лозим.

Оиланинг ўз тарбиявий вазифасини кўнгилдагидай яхши бажара олиши учун бизнинг мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Болалар тарбиясида отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омиллардандир. Оиладаги соғлом муҳит, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат ва тотувлик ота-онанинг билим савияси, иймон эътиқоди, дунёқарашининг бойлиги, пул ва моддий бойликларга муносабати ва шу каби жуда кўп нарсаларга ҳам боғлиқ. Агар ота-оналар мактаб ва ўқитувчиларга тўғри муносабатда бўлишлари муҳимлиги, болалари олдида уларнинг обрўйини сақлаш зарурлигини жиддий ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга фарзандларимизни зарарли ғоя ва одатлардан асраш ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизда вояга етмаганларни турли зарарли одатлардан сақлашга қаратилган нормалар мавжудки, хусусан уларнинг компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланишда ота-оналарнинг назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг тунги вақтда дам олиш масканларида ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи кишилар кузатувисиз бўлиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Бу ота-оналарнинг фарзандларига бўлган масъулиятини янада оширишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Оилага боғлиқ қонунчиликда вояга етмаган болаларнинг бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқлари кўрсатилган, яъни ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Шунингдек, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота-онанинг бола олдидаги тенг ҳуқуқликлари унга ғамхўрлик қилиш, таълим-тарбия бериш, уни парвариш қилиш ва ҳ.к. иборатдир. Боланинг олдида ўз ҳуқуқларини бажариш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки конституциявий ҳуқуқ ва бурчдан биридир.

Ота-оналар ўз болаларига ножўя муносабатда бўлишлари ёмон оқибатларга олиб келади. Ота ва оналар мулоҳаза билан иш қилишлари, болалар билан бўлган муносабатлари тўғри ёки нотўғри эканлигини ўйлаб кўришлари, улар билан бўлган муомалада ўйламасдан иш қилмасликлари керак. Болани тарбиялаш учун билим ва маҳорат ҳам бўлиши лозим. Агар ота-оналар болаларини тарбиялашдаги ўз вазифаларини ўташдан бош тортсалар, болаларига шавқатсизлик билан муомалада бўлсалар, ғайри ахлоқий ҳаёт кечириб, болаларига салбий таъсир кўрсатсалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Мустақил юртимиз равнақи учун муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдек масъулиятли ва улкан вазифани ўз олдига мақсад этиб қўйган ҳамда ундан фахрлана оладиган инсонлар чинакам фидойи ота-оналардир. Ота-оналарга кўмакчи эса мактабларда таълим бераётган устоз-мураббийлар ҳисобланади. Мактабнинг ҳар бир ходими ўқувчиларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишлари йўлида ўз ҳиссаларини қўшиб келишади. Хайрли мақсадлар келгусида ўз натижасини беради. Бахтли юртнинг бахтли фарзандлари юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

**Ҳабиба АЛИЕВА,**
**Миробод туманидаги 218-мактаб ўқитувчиси**

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-1229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-346
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1210 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.55
1 2 3 4 5